

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК УНИВЕРСИТЕТИ

Ж.К.ШАБАНОВ

ТУРК АДАБИЁТИДА
ОШИҚЛИК (БАХШИЧИЛИК)
САНЪАТИ

Ўқув қўлланма



Тошкент – 2020

Шабанов Ж. Турк адабиётида Ошиқлик (бахшичилик) санъати.
Ўқув қўлланма. – Т., 2020. – 177 б.

Ушбу ўқув қўлланма “Филология ва тилларни ўқитиши (турк тили)” таълим йўналишида таҳсил олаётган талабалар учун “Турк адабиёти”, “Таржима амалиёти” машғулотида фойдаланишга қўшимча ўқув адабиёти сифатида тайёрланди. Шунингдек, қўлланмадан турк халқ оғзаки ижодини ўрганаётган бўлажак мутахассислар ва турк адабиётига қизиқувчилар фойдаланиши мумкин.

Масъул муҳаррир:

*Филология фанлари доктори, профессор **Қ. Омонов***

Такризчилар:

ТДШУ “Таржимашунослик ва халқаро журналистика”

*кафедраси мудири, PhD **Х. Ҳамидов***

*Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси **Ш. Субҳонов***

Тошкент давлат шарқшунослик университети Ўқув
услугий кенгаши томонидан нашрга тавсия этилган
(01.07.2020 йил 2-сонли мажлис қарори).

ТУРК АДАБИЁТИДА ОШИҚЛИК (БАХШИЧИЛИК) САНЪАТИ

Адабиёт маълум бир миллатнинг урф-одати, анъаналари, ўзига хослиги, шунингдек, ўша миллатнинг барча жабҳаларини ўзида акс эттира олиш кучига эга бўлган соҳа ҳисобланади. Адабиёт нафақат бир миллатнинг турмушида муҳим рол эгаллайди, балки миллатлараро алоқаларнинг келиб чиқиши ва шаклланиб боришига ҳам хизмат қилади. Хусусан, халқларнинг ижоди, бахшилик, ошиқлик санъати каби адабий ёналишлар бизнинг ҳаётимизда муҳим рол эгаллайди. Халқ оғзаки ижоди миллий маданиятнинг таркибий қисми сифатида жуда катта ижтимоий қийматга эга. У халқнинг тарихи, маишати, урф-одатлари, дунёқараши, ижтимоий муносабатлари, орзу-умидлари ҳақида кенг билим беради. Унда халқ бадий диди, воқеликка нисбатан халқона эстетик муносабат ифодаланган. Эстетик сезгилар ривожда, гўзалликни, бадий сўз қадри ва қимматини, она тили бойликларини ҳис қилишда унинг аҳамияти беқиёсдир. Бахши ижро давомида дostonдаги ҳар бир тасвирга мос сўз топиб, ўша сўзларга монанд хатти-ҳаракатлар қилган. Тингловчиларни қизиқтириш билан, ўзи ҳам тобора авжга чиққан. Иқтидорли бахшилар икки-уч кеча мобайнида, ҳатто ойлаб дoston куйлай олганлар. Бахши, одатда, воқеа энг қизиқ жойга етганда куйлашни тўхтатиб, танаффус қилган, бу эса тингловчиларнинг қизиқишини яна ҳам оширган. Бахшилик кечаларига икки-уч бахши ташриф буюрган. Бундай ҳолларда бахшилар ўзаро тортишувга киришганлар: бир-бирларининг иқтидорларини, сўздаги чечанлигини, соз чалишдаги маҳоратларини синаганлар. Тингловчилар уларга баҳо берганлар. Халқ олқишини ололмаган бахши даврдан чиқиб кетган.

Турк адабиётининг адабий мероси бой бўлиб, турфа хил йўналишлардаги ижод намуналарини кўришимиз мумкин. Булар қаторига ошиқлик санъатини киритамиз.

Ошиқлик анъанаси Турк маданиятида муҳим ўринга эгадир. Ошиқ яшаётган жамиятининг сўзловчисидир. Ошиқлик анъанаси кўп асрлар давомида шаклланган, маълум қонун-қоидаларига, шеърнинг мангу ва таъсир кучига эга хусусиятларидан фойдаланган ҳолда авлоддан-авлодга ўтиб келаётган қадриятларнинг бир бутунидир. Ошиқ адабиёти оғзаки адабиётнинг мавжуд барча хусусиятларидан озиқланади. Ошиқ адабиёти шундай бир йўналишки, у ўзи илҳом олувчи барча адабий йўналишларни бир изга солиб, мутлоқ гўзалликка эришиш йўлида интилувчанлик билан илоҳий ишқни диний-тасаввуфий шеърлар билан юксакларга олиб чиқади, кундалик ҳаётнинг ўзига хос гаштини мақтайди, ғам-ғуссаларини адабиёт қаламида ёзувчи, ижтимоий ва шахсий қийинчиликларни, ҳаётнинг баланд-пастликларини акс эттирувчи адабий санъат туридир.

Қўлимиздаги ушбу китоб бу йўналишдаги учинчисидир. Бу китобда Турк адабиёти тарихида Ошиқлик (бахшичилик) санъати унинг ривожланиш тарихи ва бу санъатга XVI асрдан то шу кунимизгача катта хизмат қилган буюк намоёндалар ҳақида сўз юритилади. Уларнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида маълумотлар ҳамда ижодларидан Турк ва Ўзбек тилларида намуналар келтирилади. Бу китоб шу билан аҳамиятлики, китобдаги шоирларнинг Ўзбек тилидаги шеърлари муаллиф Ж.К.Шабановнинг ўзи томонидан таржима қилинган. Бу таржималар учун муаллиф деярли 30 йил умрини бағишлаган. Бу китобни ўқиб ўзларингиз ҳам муаллиф-таржимоннинг маҳоратига баҳо бера оласиз деган умиддамиз.

Турк ошиқ адабиёти вакиллари ижодидан тузилган гулдаста ўзбек ўқувчиларига манзур бўлади дея умид қиламиз.

*Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси адабий
алоқалар ва таржима кенгаши раҳбари,
филология фанлари номзоди, доцент
А. Алимбеков*

ТУРК АДАБИЁТИДА ОШИҚЛИК (БАХШИЧИЛИК) САНЪАТИ ТАРИХИДАН

Ошиқ сози билан, созсиз(дилдан) дилдан бадийҳагўйлик усули билан, қалам билан (ёзма шаклда), ёки бу санъатлардан бир нечтасидан бир пайтда фойдаланиб ошиқлик қоидаларига роия қилган ҳолда шеър сўзлайдиган халқ санъатчисидир. Адабиётда бу усул ошиқлик(бахшичилик) усули деб аталади. Онадулуда (Туркия ҳудудларида) 13-аср охирларига келиб шакллана бошлайди. Ошиқ сўзи арабча ашқ, туркча ишик, ўзбекча ёруғ, нур маносини беради. Чанқирили (Туркия вилояти) Аҳмат Талат ошиқ сўзини шундай изоҳлайди:

Ошиқ юраги ишқ билан ёнаётган қалби муҳаббат билан нурланган кишидир.

Ошиқлик адабиёти турк халқ адабиётининг энг жонли ва кеч ёйилган бир бўлимини ташкил этади. Ошиқлик санъати 17-асрда ривожланиб айниқса 19-асрда энг юқори чўққига эришади. Ошиқларнинг етишишида ва халқ орасида танилишида мадрасалар, таккалар, Хонлар-карвонсаройлар, қаҳвахоналар катта рол ўйнаган. Чунки ошиқлар у ерларда билим олишган шогирт тушишган, усталик мақомига эришишган, ана шу жойларда кўшиқлар яратиб, шеърлар битиб, дostonлар ўқиб халқнинг кўнглига йўл олишган, халқ қалбини ва ички кечинмаларини куйлашган, диёрларга, ўлкаларга танилишган. Ошиқларни ижод усули ва куйлашларига қараб илгари куйидаги гуруҳларга ажратишган:

1. Дин ва тасаввуф бахшилар
2. Қишлоқ бахшилар
3. Қўрғон ва шаҳар бахшилар
4. Яничар бахшилар
5. Кўчманчи бахшилар

Ҳозирги даврда уларни куйидаги гуруҳларга ажратишимиз мумкун:

1. Қишлоқ бахшилари
2. Сайёҳ (келиб-кетувчи) бахшилар
3. Қўрғон бахшилар
4. Аскар (ҳарбий мавзуда ижод қилувчи) бахшилар
5. Дин ва тасаввуф бахшилар

Турк адабиётида ошиқлар санъатини қуйидаги 3 даврга ажратишимиз мумкун.

1-давр XVII-XV асрлар.

Бу даврларда ошиқлар асосан диний мавзуда ижод қилишган. Бу давр диний халқ шоирлари Бектошилик-Алавилик асосида шаклланган Юнус Эмро ва унинг давомчилари(издошлари) диний-мистик адабиёт лидерлари ҳисобланиб, сиёсат ва тор машабчилик ҳарактеридан кўпроқ инсонийлик ва мистик хусусиятга эга бўлганлар. Бахшилар тор бир тариқатчи тушунчасида бўлишмаган.

2-давр XVI-XVII аср оралиғидаги бахшилар.

Бу асрлар оралиғидаги бахшиларни фаолиятларига кўра қуйидаги оқимларга ажратиш мумкун.

А) Алеви-Бектоши ошиқлари.

Ҳожи Бектоши Вали тарафдорлари таккалар қуришган. Алеви Бектоши таккалари артофида диний тасаввуф адабиёти дунёга кела бошлайди.

Б) Бошқа йўналишда ижод қилган бахшилар.

Булар Алави Бектоши оқимида бўлмаган бахшилардир. Уларнинг ҳам ўз ўрнида 3 гуруҳга ажратиш мумкун.

1. Яничарлар орасидан етишиб чиққан бахшилар.
2. Жазоир-Тунис ўчоқлари (оиласи)га оид бахшилар. Бу йўналишда ижод қилган ошиқлар Эрон, Румели ва Окденгиз ҳудудларида Усмонли аскарларининг қаҳрамонликларидан илҳомланиб кенг мавзуларда шеърлар

битишган. Уларнинг шеърлари дунёвийдир. Улар бир қанча дostonлар ёзган.

3. Эркин йўналишда ижод қилган бахшилар. Бу бахшилар бирор бир ташкилотга аъзо бўлишмаган ва асосан ишқ, жамият ва инсонлар ҳақида асарлар яратишган.

3-давр XVIII аср охирларидан то ҳозирги кунгача бўлган давр.

Ошиқликнинг санъат даражасига олиб чиққан бахшилар, ўзларининг санъат хусусиятларига кўра қуйидаги гуруҳларга ажратилиш мумкин.

1. Бир хил мавзуларда қўшиқлар қуйлашига қарамасдан, шуҳратлари Туркия чегараларидан ошиб, бутун дунёга танилган ошиқлар: Юнус Эмре, Пир Султон Абдал, Каражаўғлон, Ошиқ Вейсал, Мурод Чўбонўғли

2. Ўзлари яшаётган жамиятнинг санъатчиси сифатида ҳурликка чорловчи ошиқлар: қайғусиз Абдал, Дадалўғли ва б.

3. Бир қанча яничар ошиқлари ва баъзи бошқа ошиқлар каби турли хил фикровчилар ҳамда ҳар хил жамоларга хайқирганлари билан бирон бир жамоага аъзо бўлмаган ва айнаи вақтда ҳамма ҳудудда йўналиши жамоалар томонидан тан олинадиган даражада ижод қила олмаган ошиқлар: Ўксиз Дада, Ошиқ Умар, Ошиқ Суммани, Ошиқ Сайрони, Ошиқ Шенлик ва бошқалар.

XX аср Туркияда ошиқ санъати энг юқори чўққига чиққан пайтлар ҳисобланади. Минг афсуски, XXI асрга келиб ошиқлик санъатига бўлган қизиқиш секин-секин пасайиб бормоқда. Натижада, нафақат дунёда ҳаттоки Туркиянинг ўзида машҳур бўлган ошиқлар бармоқ билан саналарли даражада. Ўйлаймизки, бу санъат ҳали яна ривожланади ва дунёга машҳур ошиқлар етишиб чиқади.

ОШИҚ ҚОРАЖАЎҒЛОН

(Ҳаёти ва ижоди)



Турк адабиётида халқ шеърлятида энг машхур, энг кучли намоёндаларидан бири ошиқ бахши (Қоражаўғлон)дир. У Сайил ўғилларининг давомчиларидан бўлиб Туркиянинг Адана вилояти Боғча туманининг Фарсох қишлоғида туғилган. Торосларнинг Човуртоғ ҳудудида (Аданадаги тоғ тизими) Туркманлар авлодлари орасидан йитишиб чиққанлиги ҳақиқатга яқин. Ҳозирги Туркия давлатининг Анқара, Қайсари, Кўнё, Қораман, Диёрбақир, Мардин ва Халаб шаҳарларини кезган. Миср, Сурия давларларининг Траблус, Рум эли ҳудудларида ҳам бўлган. Узоқ йиллар давомида ғурбатда кун кечирган. Унинг қабри Муд туманининг Чуқур қишлоғида севгилиси Қоражақиз қабри ёнига қўйилганлиги ҳақида маълумотлар бор.

Қоражаўғлон ўзи атрофидаги инсонларнинг жўшқисини, ҳаёт тарзини куйлаган шоирдир. У шеърларининг тиниқлиги ҳис-ҳаяжонга йўлалиги, тушунуши ва куйлаш усули билан бахшилар орасида устун бўладиган шоирдир. Қўлидаги сози билан юртма-юрт, диёр-ма диёр кезиб инсон севгиси ва дунё гўзалликлари ҳақида кўшиқ куйлаган. Турк бахшичилигида у эмг кучлиси ва бекиёсидир. Тарихий турк урф-одатлати ҳақида қишлоқ халқи ҳаёти, халқнинг кўнгли-ю завқи ҳақида тўлиб тошиб завқ-у шавқ билан шеърлар битган. Уларни жондин куйлаган.

У ўзи туғилиб осган жойи ҳақида шундай ёзади:

“Қозон тоғларидандир наслимиз

Ари туркманлардандир аслимиз
Варсоқдири (фарсоқдир) туғилган йилимиз
Гурбат ҳам ёр айлар бизни”.

Иброҳим Аджди Кенди томонидан 1942-йил нашр қилинган ”Оқ шаҳарлик Хожа ҳамда Афанди хотиралари” номли мақоласида шундай ёзади: “Қоражаўғлон 1013-йилда (милодий 1604-йилда) Варсак қишлоғида Қора Илёс хонадонида дунёга келган. Отаси Қора Илёс лақаби Сайл оғли бўлган.

Шоир бир шеърда “oradim yuvayi Bursada boldum” (ахтардим ишқимни Бурсада топдим) ёзганини этиборга олсак, Қоражаўғлон Бурсада уйланиб уй-жой қилган деб эҳтимол қилинади. Унинг:

“saksen beşte bel kemiğim bozuldu,
Ben doksanda mezarımın başında
(саксон бешда бел суягим бузилди
Мен тоқсонда мазоримнинг бошида)

деб ёзганини инобатга оладиган бўлсак, 1674-йилларда анча қариб қолади ва 1679-йилга келиб касалланганлигини тушунамиз. Баъзи манбааларга кўра бу сана яъни 1679-йил унинг вафот этган йили бўлиши мумкун. Қоражаўғлоннинг туғилган йили ва жойи аниқ бўлмаганидек, вафот эткан йили ва жойи аниқ эмас. Баъзи манбааларга кўра унинг қабри Туркиядаги ҳозирги Ичил вилоятининг Мум туманида деб ёзилади. Айнан шу ерда Қорақизнинг (яъни Қоражаўғлоннинг севгилиси) қабри борлиги ҳақидаги маълумот ҳақиқатга яқин деб тан олинади. Баъзи маълумотларга кўра эса, унинг қабри Торсусдаги Эсхобиқоф ғори атрофида деб ёзилади. Аҳмад Ҳамди Афанди эса унинг қабрини Мараш вилоятининг Ғазал яйловида эканлиги ҳамда Қоражаўғлоннинг бу ерда 96 ёшида вафот этканлиги ёзилади. Ғозиантепда Фарит Гинолнинг ўтгазган изланишларига кўра Қоражаўғлон Низибнинг кеклижа қишлоғида дафн этилган. Абнан Сайгин эса қабрнинг Эзрум вилояти Ўлту тумани Панак қишлоғидаги зам-

зам тоғи атрофида Ясамол яйловида эканлигини ёзади. Бундай тахминлар Қоражаўғлоннинг халқ томонидан қанчалар машхур бўлганлигини ва севилганлигини исботлайди.

Қоражаўғлон Юнус Эмро, Ҳожи Бектоши Вали, Бурхли Дада ва Мулла Ҳункорлар таъсирида бир қанча мистик шеърлар ёзган. Аммо унинг ижоди асосан ишқ ва табиатга бағишланади. Қоражаўғлон ўз шерларида Ала(шахло), Қора, қомир ёки ҳумо кўзли, қора эгри ёй, уркук сурма қошли ва ўқ киприкли, исфир балабан жайлон қарашли, инжу садаф тишли оқ олинли (оқ пешонали), асал ёки гултожихўроз дудоқли оғжа гул ёки ой юзли, жуфт ҳолли зулфини гарданига тараган сиёҳ зулфига, оқ баданли, ҳабаш ҳолли, ўрдадек нозил бўйинли, товус қуш қаби дахани нақшли, узун ўрта бўйли салви қаби нозли, қалдирғоч қаби туришли, нозик белли, қумри сасли, қўллари хинали ариларнинг белидек, боғчаларнинг гулидек қизлар, сариқ олтин узуклари, олтин бурамали билак узуклари қаби ўхшатишларга кенг ўрин берган.

Унинг шеърларида Ойша, Донду Дона, Дуриа, Белли, Жаннат, Элиф, Эсма, Хадича, Имина, Фотима, Ҳурия, Лайло, Мариям, Меҳрибон, Шарифа, Ширин, Зелийҳа қаби гўзал келин ва қизлар номларини тез-тез учратамиз.

Баъзи шеърларида Гуржи, Рум, Фаранг ва Араб гўзаллари ҳақида ҳам куйлаганлиги кўринади. Бошқа бир шеърларида эса, сиртига курк ташлаган Афшар ва оққойинли беклар ва йигитлар тилга олинади.

Йигит олан йигит дағдир қаладир (йигит эрсанг, йитиқ тоғдир қаладир)

Бу шеърида билаги кучли қаҳрамон йигитларни мадҳ этса қуйидаги шеърида бекорчи, дангаса йигитлар ҳақида ёзади.

Йигит мағрур гезмак ила бек миулул (йигит мағрур юрса бек бўлурму)

Қоражаўғлон Айдин чўяни Олюсуф беҳиси, Гур олмаси, Султан гиласи, Портақоли бодоми, асали, қаймоғи каби сўзлар билан ўз юртининг бойликларини олтин тупроқларини мева ва сабзавотларини мадҳ этади.

ОШИҚ ҚОРАЖАҰҒЛОН ИЖОДИДАН НАМУНАЛАР

Geri

Neyleyeyim şu dünyanın ziynetin,
Akıbeti ölüm olduktan geri?
İstemem bahçamda bülbüller ötsün,
Benim gonca gülüm solduktan geri.

Çöze idim düğmelerin döşünden,
Öpe idim gözlerinden, kaşından,
Güzelliğin soyha kalsın başından
Ben inli, boranlı olduktan geri.

Yalanmış dünyanın ötesi, yalan.
Felektir muradım elimden alan.
Mısır'a sultan olsam istemem kalan,
Dost ağlayıp düşman güldükten geri.

Karacaoğlan der ki: Bu, ne gal bilmem?
Gelmişim dünyaya, bir daha gelmem.
Alem bir yan olsa, o yari vermem.
Yarin gönlü bende olduktan geri.

* * * * *

Кейин

Не қилайин шу дунёнинг зийнатын,
Оқибати ўлим бўлгандан кейин.
Истамам боғимда булбул сайрашин
Менинг ғунча гулим сўлгандан кейин

Ечсам эди тугмаларинг кўксингдан
Ўпсам эди қошларингдан кўзингдан
Гўзаллигинг сийлов бўлсин бошингдан
Мен инграган бўрон бўлгандан кейин

Ёлғонкан дунёнинг борлиғи ёлғон
Фалактин муродим кўлимдан олган
Миср султони бўлсам ҳам истамай қолай
Дўстлар йиғлаб душман кулгандан кейин

Қоража ўғлон дерки: “бу ҳол не билмам
Дунёга келибман қайта ҳеч келмам
Олам бир ён бўлса, ул ёрни бермам
Ёрнинг кўнгли менда бўлгандан кейин.

* * * * *

Bağlıdır

Niçin odlanmayım, niçin yanmayım?

Deli gönül bir sevdaya bağlıdır.

Özü şirin, sözü şirin bir güzel:

Gamzesi ok, kaşı yaya bağlıdır.

Gariblik, gurbetlik düşmüş özüne.

Kudret sürmesini çekmiş gözüne,

Dökünce zülfünü bedir yüzüne,

Ben sandım ki bulut aya bağlıdır.

Karacaoğlan der ki: Düşmüşken fırsat,

Daha yadlarının etmeyin sohbet.

Söküldü yürekten eski muhabbet,

Şimdi gönlüm nazlı yare bağlıdır.

* * * * *

Боғланмиш

Нега оловланмай, нега ёнмайин
Ошиқ кўнгил бир гўзалга боғланди
Ўзи ширин сўзи ширин бир дилбар
Ҳоли оппоқ қоши қарога боғланди

Ғариблик ғурбатлик тушган ўзига
Қудрат сурмасини сурмиш кўзига
Ёйганда зулфини тушгай юзига
Ўйладинки булут ойга боғланди

Қоража ўғлон дерки: “келганда фурсат
Бегоналар билан қилмагин суҳбат
Оловланди юракда ўша муҳаббат
Энди кўнгил нозли ёрга боғланди.

* * * * *

Geçti

Sabahtan vardım da yoluna durdum,
Gül yüzünü yere yıktı da geçti.
'Sen kimin yarisin' diye de sordum,
Bir cevap vermeden baktı da geçti.

Dilber nerde doğmuş, nerde illeri?
Gürcü mü, yoksa Rum mu dilleri?
Al yanakta açan gonca gülleri
Bir hoşça gönlüme soktu da geçti.

Karacaoğlan der ki: Örölmüş başı.
Daha on beşine girmemiş yaşı.
Ok imiş kirpiğı, yay imiş kaşı,
Atarak sinemi yaktı da geçti.

* * * * *

Ўтти

Эрталаб бордим-у, йўлида кутдим
Гул юзин ерга тикди-ю ўтди
Сен кимнинг ёрисан дея ҳам сўрдим
Жавоб ҳам бермасдан термулди ўтти

Дилбар қай юртда туғилган қайда уйлари
Гуржими ёки юноончами тиллари
Ол яноғида очилмиш шакар гуллари
Ғунча ул кўнглимни титди-ю ўтти

Қоража ўғлон дерки: “боғланган боши
Ҳали ўн бешига кирмаган ёши
Ўқ экан киприги ёй экан қоши
Ўқ узиб сийнамга ёқди-ю отти.

* * * * *

ОШИҚ КҮРҮҒЛИ

(Ҳаёти ва ижоди)



Кўрўғли қаҳрамонликнинг ҳуррият ва озодликнинг рамзидир. Ушбу қаҳрамон номи билан шеърлар битган ошиқ (бахши) Кўрўғлининг туғилган ва вафот этган йиллари аниқ эмас. Бу шоирнинг Турк султони Султон Маҳмуд замонида (1574-1585)-йиллар яшаганлиги ҳақида маълумотлар бор. Усмонли лашкари таркибида Эронга қарши жангларда қатнашганлиги, Болу ҳукумдоридан отасининг кўзларини ўйдирганлиги учун ўч олиш мақсадида тоғларга чиқиб йигитлиги ва инсонпарварлиги, яхшиликсеварлиги билан тилларда дoston бўлади. Халқ қаҳрамони Кўрўғли билан шоир Кўрўғли ҳаётда бир шахсдир:

“Душман келди саф-саф бўлиб тизилди
Пешонамизга қора кунлар ёзилди
Милтиқ пайдо бўлди, мардлик хор бўлди
Ўткир қилиқ қинда занг босар энди”

Кўрўғли шерларида жўшқинлик, йигитлик, мардлик, дўстлик, ишқ-муҳаббат, табиатга севги мавзуларини сода бир тилда ифода этган. Бу шерлар аслида ишқ-муҳаббатни куйловчи шеърий усулда битилган ҳикоялардир. Ҳозиргача бизга халқ қаҳрамон ва шоир Кўрўғлининг 24та асари етиб келган. У “Кўрўғли” достонининг ҳам муаллифидир. Бу дoston Онадолу Туркларининг юракларида яшаётган истаклар, она тупроққа

боғлиқлик қадрятлар ҳамда ҳақлнинг ишонч рамзига айланган. Бу дostonда ифодаланишига кўра Кўрўғлининг асли исми Равшан Алидир. Унинг отасининг исми Юсуф бўлиб Болу бегининг отбоқари бўлган. Отларни яхши кўрадиган бекка Юсуф бир ёш тойни олиб келади. Бек мени масхара қиляпти деб унинг кўзига қайноқ темир бостириб кўрга айлантиради. Кўр бўлиб қолган Юсуф ўғлини ва тойни олиб Болу ҳудудларини тарк этади. Равшан Али тойни отаси таърифлаганидек қоронғу отхонада парвариш қила бошлайди. Маълум вақт ўтгач той худди қаноти бор учқур отга айланади. Равшан отига Ғирот(ўзбек достонида Гиркўк) номини беради. Юсуф ўғли Равшан Али билан Арас ирмоғига боришади ва у ерда Бенгулдан оқиб келиб, Арас ирмоғига қуйилувчи сирли 3 кўпикни кутишади. Бу 3 кўпик 3 сонияда оқиб кейинчалик яна оддий сув бўлиб оқади. Ривоятга кўра Али кўпикдан ичса кўзлари очилгач ёш, кучли, навқирон йигитга айланиб бориб, Болу бегидан ўч олишни керак эди. Фақат Равшан Али кўпикли сувни ўзи ичгач, отасига кўпикли сув олмоқчи бўлади, афсуски, бу орада 3 сония ўтгач сув сирини йўқотиб оддий сувга айланган эди. Равшан Али бундан қаттиқ ранжийди ва отасига кўпиксиз сувни олиб боради. Отаси Юсуф бироз ўксийди. Лекин ўғли кундан- кун кучли, қувватли бўлиб йитишётганини кўради ва менинг ўрнимга у ўч олади деб севинади. Равшан Али ичган 3 қултум сирли кўпикда бири унга абадий ҳаёт, яна бири навқирон йигитлик ва охиргиси эса шоирлик қобилиятини ато қилади. Юсуф ўғлига албатта Болу бегидан қасос олишини ўқтириб оламдан ўтади. Равшан Али эса Гироти билан тоғларга чиқиб кетади:

“Номинг Дул-дул аслинг бир от

Устингда олинар мурод

Икки ёнда учқур қанот

Бошингдаги ёл бўлсайди

Сўйла Кўрўғли сўйла
Ғиротнинг матҳини куйла
Душманни қиражак ерда
Бўз булғанган сел бўлсайди”

Равшан Алининг Кўрўғли номи билан номи дунёда ёйилади. Дара бегига айланиб йўлтўсарлик қила бошлайди. Қилган ҳамма жангларида ғалаба қозонади.

Бозурғонлардан, беклардан аслзодалардан ва подшоҳлардан тортиб олган бойликларини камбағалларга тарқата бошлайди. Учкур оти ва сеҳрли қиличи билан узоқ йиллар шон-шуҳратда яшайди. Замонлар ўзгаради шамшир қилич даври ўтиб милтиқ пайдо бўлади. Мардлик, йигитлик, одатлари йўқ бўлиб ўрнини номардлик, хиёнаткорлик эгаллай бошлайди. Шунда Кўрўғли ўз аскарларини тарқатиб юборади. Қишлоқда тинч осойишта кун кўра бошлайди.

Кўрўғли достони Кўктурклар авлодидан бўлган Ўғузларнинг Хуросон ва Маверайхазар ҳудудларидаги Ироқликлар билан бўлган жанглари ҳақидадир. Бу достонни ўқиб ёки тинглаб ўшал қаҳрамон номидан гапиришни хоҳламаган бирон инсон бормикан Онадолунинг ҳамма тоғлари, катта катта қоялар, даралар, тошлар, уникидир. Ҳар қаерда бир ўрмон бўлса, у ерда бир Шамлибел бордир ва ниҳоятда кўп шаҳар ва қишлоқ уйлариининг эшикларида Кўрўғлининг афсонавий Ғиротининг тақасининг излари бордир.

Кўрўғли достони Турк халқининг энг севимли, энг кўп ўқиладиган қаҳрамонлик, мардлик, шон-шуҳрат ва йигитликни мадҳ этувчи достондир.

ОШИҚ КҮРҰҒЛИ ИЖОДИДАН НАМУНАЛАР

Benden selam olsun Bolu Bey'ine

Benden selam olsun Bolu Bey'ine

Çıkıp şu dağlara yaslanmalıdır

Ok gıcirtısından kalkan sesinden

Dağlar sada verip seslenmelidir.

Düşman geldi tabur tabur dizildi

Anlımıza kara yazı yazıldı

Tüfek icad oldu mertlik bozuldu

Eğri kılıç kında paslanmalıdır.

Köroğlu düşer mi yine şanından

Ayırır çoğunu er meydanından

Kırat köpüğünden düşman kanından

Çevrem dolup şalvar ıslanmalıdır.

* * * * *

Мендан салом бўлсин Болу Бегига

Мендан салом бўлсин Болу Бегига
Чикибон шу тоғларга суянсин энди
Ўк визиллашидан, калкон сасидан
Тоғлар садо бериб куйласин энди.

Душман келиб қатор-қатор тизилди
Пешонамизга қаро такдир ёзилди
Милтиқ пайдо бўлди, мардлик йўқолди
Эгри килич қинда занг босар энди.

Курогли тушарми шуҳрат шонидан
Айирар душманни бошу танидан
Кирот купигидан душман конидан
Кўркувдан шалварлар намланар энди.

* * * * *

Mert dayanır

Mert dayanır namert kaçır
Meydan gümbür gümbürlenir
Şahlar şahı divan açır
Divan gümbür gümbürlenir.

Yiğit kendini övende
Oklar menzili dövende
Kılıç kalkana deyende
Kalkan gümbür gümbürlenir

Ok atılır kalasından
Hak saklasın belasından
Köroğlu'nun narasından
Dağlar gümbür gümbürlenir.

* * * * *

Мард чидайди

Мард чидайди, номард қочар
Майдон гумбур гумбурлайди
Шохлар шохи девон очар
Девон гумбур гумбурлайди.

Йигит ўзи ўзин мактагани чоғ
Ўқлар манзилларни тўлдиргани чоғ
Қилич қалқонларда топганда паноҳ
Қалқон гумбур гумбурлайди.

Ўқ отилар калъасидан
Хақ сакласин балосидан
Куроғлининг нарасидан
Тоғлар гумбур гумбурлайди.

* * * * *

Mavilim

Kimisi pınar başında
Kimisi yolun dışında
Al giyen on beş yaşında
İlle mavili mavili

Kimisi dağlarda gezer
Kimisi incisin dizer
Al giyen bağrımı ezer
İlle mavili mavili

Köroğlu der ki: n'olacak
Takdir yerini bulacak
Mavilim kaldı alacak
İlle mavili mavili

* * * * *

Мовий кўзлигим

Баъзилар булок бошида
Баъзилар йулнинг кошида
Ол киймиш ўн беш ёшида
Мовий кўзлигимдир, мовий кўзлигим

Баъзилари тоғларни кезар
Баъзилари инжудан сеп тузар
Ол кийган бағримни эзар
Мовий кўзлигимдир, мовий кўзлигим

Курогли дейди не бўлгай
Тақдир ўз ишини килгай
Мовий кўзлим меники бўлгай
Мовий кўзлигимдир, мовий кўзлигим

* * * * *

ОШИҚ УМАР

(Ҳаёти ва ижоди)



17-асрда Турк бахшилиқ санъатида энг кўп шон-шуҳратга эришган шоир Ошиқ Умардир. Унинг ҳаёти ҳақида аниқ йўқ. Баъзи малумотларга кўра, у Кўнёда туғилган дейилса, бошқаларида Қримда туғилиб Ойдинга келганлиги ҳақида ёзилади. Яна бир бошқа манбада эса оиласи Ойдинлик бўлиб кейинчалик Қримга бориб қолишган деб ёзишган. Унинг ёзган асарларидан Ошиқ Умарнинг Тур-

киянинг Кўнё вилояти Нодим тумани Гўзлавели қишлоқғида дунёга келган деб тахмин қилинади. Ҳақиқатга яқин бўлган ривоят шудир. Мадрасада тузик таълим олмаган бўлса ҳам ўз устида тинмай ишлаб ўз замонининг энг маданиятли инсони бўлиб етишган. Ошиқ Умар замонининг машхур инсони Ошиқ шарифийдан дарслар олгани ҳақида гап боради. Унинг асарларини диққат билан ўрганиб тадқиқ қилсак, Ошиқ Умарнинг арабча ва форсча билганлиги шоир Садъий ва мавлоно Румий асарларини яхши билганлиги кўринади. У Фузулий, Ҳофиз Шеъррозий ва Садъий асарларини форс тилида ўқий олган.

Дастлабки шеърларини девон адабиётига таянган ҳолда ёзган. Ошиқ Умар, Адлий тахаллусида шеърлар ёзган. Кейинчалик Умар тахаллусини олган. Шеърлардан шу маълум бўладики, Ошиқ Умар усмонийлар армиясида хизмат қилган, жангларда иштирок этган. Турк султонлари IV Меҳмет, II Аҳмат ва II Мустафо даврларида жангларда қатнашганлиги ҳақида шеърларида ёзади. Дунай дарёсидан то Боғдодгача бўлган ҳудуд-

ларни кезган, узоқ умр кўрган. Ошиқ Умарнинг ўлим тарихи ва қабрининг қаердалиги ҳам аниқ эмас. Шоирнинг асари “Сафойи Тескира”да қайд этилишича у 86 ёшида Кунянинг Гўзлави қишлоғида вафот этган ва Қаламлар Бурни мазоридида дафн этилган. Баъзи ривоятларга кўра, Ошиқ Умар 1707-йилда Истамбулда вафот этган ва Устини Искаласида дафн қилинган деб тахмин қилинади. Ошиқ Умар 18 аср ошиқлари томонидан жуда севилган. Унинг мадҳига шеърлар битилган. Ҳатто девон шоирлари ҳам унинг шеърларини севиб ўқиганлар. Сумбулдада, Ваҳби, Иззат Мулла каби шоирлар удан илҳом олишган. Унинг кўп шеърлари машхур бастакорлар куйга солган. Асрларидан бир қисми кичик бир китоб ҳолида (Тошбосма) нашр қилиниб бир неча бор қайта-қайта чоп этилган. У аввало ашқ(ишқ) шоири бўлгани ҳолда ғурбат, дунёнинг фанийлиги ҳақида, ўлим, охира, фалак, севги, ишқ, муҳаббат шикоят мавзусида, пайғамбаримизга ва 4 ҳалифага боғлиқлиги ҳақида, тариқат олимларини улуғлаш, жаҳолат, рийёкорликни енгиш ҳақида, Сулаймон, Иброҳим, Намруд, Олов, Исмоил, Қурбонлик, Айюб, Сабр, Мусо, Тўр каби тарихий ва мифалогик мавзулари унинг ижодига маданият маҳсули сифатида хизмат қилган.

Ошиқ Умарнинг ижоди 2 йўналишда ривожланган:

1. Мадрасалар, таккалар, ойдинлар (зиёлилар), таъсирида ёзилган девон адабиётида оид асарлардир.
2. Халқ орасида юриб дўстлар давраларида бўлиб ошиқларга оид ёзилган асарлардир.

Унинг асарлари Аруз вазнида (мавҳидлар, баҳориялар, истиоралар, ғазаллар, мухаммас ва мусаддаслар) ва бармоқ вазнида (қўшмалар, достонлар) ёзилган. Ҳозирги кунда Ошиқ Умарнинг 1782-йилда Ҳусайн Айвон Сарой томонидан кўчирилиб, Кўнённинг Мавлоно Румий музейида ва Истамбулдаги Яхё афанди Даргоҳий томонидан кўчирилган ва Истамбулдаги Сулаймония музейида сақланётган асарлари нусхалари бор.

ОШИҚ УМАР ИЖОДИДАН НАМУНАЛАР

Sakınırım

Gel ey dilber kan eyleme
Seni kandan sakınırım
Doğan Aydan esen yelden
Seni günden sakınırım

Habibim hışım ile bakma
Ben kulun odlara yakma
Yanağına güller takma
Seni gülden sakınırım

Haldan bilir haldaşım var
Yola gider yoldaşım var
Üç yaşında kardaşım var
Seni ondan sakınırım

Ömer'im der ben de geldim
Tazelendi yine derdim
Sen bir kuzu ben bir kurdum
Seni benden sakınırım

* * * * *

Қизғонаман

Кел, эй дилбар қон айлама
Сени қондан қизғонаман
Тўлин ойдан, эсган елдан
Сени кундан қизғонаман

Севгилим, рашк ила боқма
Мен кулингни ўтларга ёқма
Зулфинга гуллар тақма
Сени гулдан қизғонаман

Ҳолдин билур ҳолдошим бор
Мени англари йўлдошим бор
Уч ёшинда қардошим бор
Сени андан қизғонаман

Умарман дер ки, мен ҳам келдим
Янгиланди яна дардим
Сен бир қўзи мен бир бўри
Сени мендан қизғонаман

* * * * *

Dörtlükler

Ela gözlerine kurban olduğum
Yüzüne bakmaya doyamadım ben
İbret için gelmiş derler cihana
Noktadır benilerin sayamadım ben.

Kaldı deli gönül kaldı hep yasta
Mevlam erdir beni murada kasda
Aşık Ömer eder sevgili dosta
Allaha ısmarladık diyemedim ben

Şimdi almaz oldun benim selamım
Alırsın sevdiğim bir zaman olur
Bana işlediğin işlere nadim
Olursun sevdiğim bir zaman olur

Vücüdum şehrinde nar-ı hasretin
Arttı derinimde derdü fıktratım
Bu aşk Ömerin kadru kıymetin
Bilürsün sevdiğim bir zaman olur

* * * * *

Тўртликлар

Аъло кўзларига қурбон бўлганим
Юзларига боқиб тўя олмадим мен
Ибрат учун келмиш дерлар жаҳонга
Хинду холларинг санай олмадим мен

Қолди нозик кўнгил, қолди қайғуда
Мавлом етказ мени муродга, қасдга
Ошиқ Умар суйлар севгили дўстга
Аллоҳга топширдик дея олмадим мен

Энди олмас бўлдинг менинг саломим
Оларсан севгилим бир замон келур
Менга қилмиш ғайри ишларга пушмон
Бўлурсан севгилим бир замон келур

Вужудим шаҳринда нор-и ҳасратинг
Ортди юрагимда дарду фирқатинг
Бу Ошиқ Умарнинг қадр-у қийматин
Билурсан севгилим бир замон келур

* * * * *

Gitti

Devlet humasını tutayım derken
Uçurdum kolumdan baz elden gitti
Cehd edip ardından yeteyim derken
Hazır turna ile kaz elden gitti

Hudanın verdiğiine olmadım kail
Gönül ata, dona, dilbere nail
Olmuş iken bir dem devlete nail
Kıymetin bilmedim tez elden gitti

Yine cüş eyledi bu derdi yürek
Sinemi çak etti bu çarkı felek
Mevlanın verdiğiine kanaat gerek
Gönül çok isterken az elden gitti

Mevlam verse varabilsem yarime
Elim varmaz oldu kisb ü karime
Bu kara dumandır çöktü serime
Kış eyyamı geldi yaz elden gitti

Ömer içini gör bakma dışına
Çektiğim gelmesin kullar başına
Kimse rahmeylemez çeşmin yaşına
Ağlayı ağlayı göz elden gitti

* * * * *

Кетди

Давлат хумосини тутайин деркан
Учирдим қўлимдан боз қўлдан кетди
Жаҳд килиб ортиндан етайин деркан
Наҳд турна бирла ғоз қўлдан кетди

Худонинг берганига бўлмадим қоил
Кўнгил отга, тунга, дилдорга моил
Бўлмиш экан бир дам давлатга ноил
Қийматин билмадим тез қўлдан кетди

Яна жўш айлади бу дарди юрак
Сийнамни чок этди бу чархи фалак
Мавло берганига қаноат керак
Кўнгил кўп истаркан оз қўлдан кетди

Мавлом берса, борабилмас ёрима
Қўлим бормас бўлди касб-у корима
Коп қаро туманлар чўкди багрима
Қиш айёми келди, ёз қўлдан кетди

Умар ичини кўр, боқма ташига
Чекканинг келмасин қуллар бошига
Кимса раҳм килмас кузинг ёшига
Йиғлая, йиғлая кўз қўлдан кетди.

* * * * *

ОШИҚ ЛЕВНИЙ

(Ҳаёти ва ижоди)



18-асрда Туркияда бахшичилик санъатида бироз сусайишга дуч келамиз. Ошиқлар сони 17-асрдан кам бўлмаган ҳолда 17-асрдэгидек машхурлари ялт этиб ярқираганлари, халқ ичида доврुक қозонганлари жуда кам эди.

18-асрда Авди, Огоҳ, Огоҳий, Ошиқ Али, Ошиқ Боғдодий, Ошиқ Дардли, Ошиқ Комил, Ошиқ Нигорий, Ошиқ Нурий, Ошиқ Содик, Ошиқ Қора Ҳамза, Ошиқ лавний, Ошиқ Сирри ва Ошиқ Сулаймон каби жуда кўп ижодкорлар яшаб ўтишган. Уларнинг орасида энг машхури Ошиқ Левнийдир.

Ошиқ Левний ҳаёти ҳақида жуда кам маълумотлар бор. Айвонсаройлик Ҳофиз Хусайннинг “Мажмуаий Таворих” асарида Ошиқ Левний ҳақида шундай ёзилади: “Левний Туркиянинг Эдирна вилоятидан Истамбулга келади ва Сарой нақшхонасига рассомга шогирт бўлиб ишга киради. Ўз устида тинмай ишлаб машхур рассом бўлиб етишади”. Даврининг энг машхур рассоми даражасига кўтарилади ва узоқ йиллар бош рассом мақомига ишлайди (1730-йилларгача). Унинг қabri Ўтоқчилар Жомеси яқинидаги Оқтурба ёнидаги Саъдийлар Таккаси қаршисидаги тепаликдадир.

Левний Усмонли даврининг миниатурачи расомидир. Унинг айниқса 3-Абдулҳамиднинг шахзодаларига ўтказган суннат тўйига бағишланган “Сурнома” асарида чизилган 137та миниатураси унинг ижод чўққиси бўлиб қолади.

Ошиқ Левний рассомчиликдан ташқари ҳам аруз вазнида ҳам бармоқ вазида шеърлар ёзган, айниқса бармоқ вазнидаги асарлари муваффақиятли

чиққан. Унионг 20га яқин шеърлари топилган. Ошиқлар орасида ўз шеърларида мақоллардан унумли фойдаланишни Левний бошлаб берган. Бу йўналишда ижод қилинган бир қанча дostonлар орасида энг яхшиси ва энг зарваллиси Левнийнинг дostonидир. У бу йўналишда бошқа бахшиларга ўртак бўлган. Аруз вазнида ёзилган бир қанча шеърлари, қўшмалари ҳам мавжуддир.

ОШИҚ ЛЕВНИЙ ИЖОДИДАН НАМУНАЛАР

Демишлер

Tut atalar sözü kalbi selim ol
Gönülden gönüle yol var demişler
Gidr yavuzluğu tab'i halim ol
Sert sirke kabına zarar demişler

Bilirsin alçağı akmadadır su
Kamilin cahile nasihatı bu
İkrarın gözet olma abesgü
Birdir iman ile ikrar demişler

Her kara uzatma elin eteğin
Yelkovana döner ahır emeğin
Nitekim şaşkını gölde ördeğin
Başın kor kışından dalar demişler

* * * * *

Тингла ота сўзин, қалби салим бўл
Кўнгилдан кўнгилга йўл бор, демишлар
Кетгиз ёвузликни табъи ҳалим бўл
Аччик сирка идишга зарар демишлар

Билурсен, номардга тукилмокда сув
Комилнинг жоҳилга насиҳати бу
Иқрорни кўз-кўз этмоқ бесамар
Имон ила иқрор бирдур демишлар

Ҳар корга узатма қўлинг, этагинг
Бекорга кетадур охир меҳнатинг
Билгинким, шошган кўлдаги ўрдакнинг
Бошини қўр ичида топар, демишлар.

* * * * *

ОШИҚ ДАДАЛЎҒЛИ

(Ҳаёти ва ижоди)



Турк адабиётида 19-аср ошиқлар орасида энг машхурларидан бири ошиқ Дадалўғлидир. У ҳозирги Туркия Республикаси Адана вилояти ҳудудидаги Чукурова воҳасида кўчманчилар оиласида туғилган. Дадалўғли ўз асрлари билан ўша кўчманчиларнинг дардларини, ҳаёт ва ички кечинмаларини куйлаган, ўша халқнинг виждони куйчиси бўлган. Ўз асарлари билан Чукурова воҳасида бахшичилик санъатида чуқур из қолдирган. Унинг ҳаёти ҳақидаги маълумотларимиз тахминлар асосидадир. Биз унинг шеърларидан унинг ҳаёти ҳақида билиб оламиз. Аммо у кўчманчи ҳаёт тарзида яшагани ва муқим бир жойда бўлмагани у ҳақидаги фикрларимизни чалкаштириб юборади. Дадалўғли Туркларнинг Авшарлар уруғидандир. У ҳақида Аҳмад Манаманжи ўғлининг ўз оширати(уруғи, сулоласи) тарихидан олган маълумотларга асосланамиз. Дадалўғли ўзининг бир шеърида ўз сулоласининг Нодиршоҳлар авлодидан эканлиги ҳақида ёзади. Унинг туғилган йили аниқ эмас. У 1785-1890-йилларда туғилган деб тахмин қилинади. Дадалўғлининг отаси ҳам яхши шеърлар битган. Дадалўғли деярли таҳсил кўрмаган. Унинг исми ҳам аниқ эмас. Баъзи манбаларда Али ва баъзи манбаларда Вали деб ёзишади. Ҳатто унинг ўлим тарихи ҳақида ҳам аниқ маълумотга эга эмасмиз. Тахминларга кўра, у 19-асрнинг 2-ярмида вафот этган. 19-асрда Чукурова воҳасида кўчманчиларни доимий яшаш шароитига ўтишга мажбур қилиш

бошланади. Шу даврда кўчманчилар ва давлат ўртасида ҳар хил тушунмовчиликлар, тортишувлар ва низолар юзага келади. Бу воқеалар Дадалўғлининг баъзи шеърларида мавзу бўлади. Усмонли давлати 1865-йилда Дарвиш Пошшо (генерал Дарвиш Пошшо) кўмондонлигида аскарларни кўчманчилар ҳаракатларини бостиришда ва воҳада осойишта ўрнатишга юборади. Бостирилган кўчманчиларнинг жуда кўпларини оиласи билан биргаликда турли вилоятларга сургун қилишади. Шундай бир даврда Дадалўғли оиласи Туркиянинг Сивас вилоятига жойлашади. Ҳозирги кунгача бизларга Дадалўғлининг 130та шеъри йитиб келган деб тахмин қилинмоқда. Лекин бу шеърларнинг қанчасини аниқ у ёзганлиги ҳақида билинмайди. Чунки у даврларда кўп ошиқлар асарларини қоғозга туширилмаган, оғиздан оғизга ўтиб юрган. Шунинг учун баъзи шеърлари ҳақиқий муаллифини аниқлаш жуда мушкул. Дадалўғлининг халқ томонидан севилишининг асосий сабаби унинг кучли шоир эканлиги эмас аксинча шоир шеърларидаги кучли самимият ва парвосизликдир. У ҳеч кимдан сўзларини аямаслиги, ўзи яшаётган давр халқининг куйловчиси бўлганлиги ва мавзу танлашда ва уни куйлашда бировларга ўхшашга интилмаганлиги ва ўз йўлидан қайтмаслиги унинг халқ томонидан севилишига сабаб бўлган. У “Бадалиқ ошиқ эмас” яъни май куйчиси эмас. У юшида май ичиб, ошиқ бўлиб, севгилисини қидириб йўлларга тушган бахши эмас. Дадалўғлининг шеърларининг мавзусига ва ёзилишига кўра 3га бўлиш мумкун:

1. Жанговорлик, қаҳрамонлик ва яшаш тарзига оид шеърлар.

Бу тарздаги шеърларининг асосий мавзуси жанг, уруш-жанжал, йигитлик ва қаҳрамонликдир. У ўз оширати ҳақида шеърлар битади. Яшаш тарзи шеърлари эса Авшарлар уруғининг ҳаётига бағишланиб уларнинг ички туйғуларини дилдан куйлайди. Бу шеърларда мардлик ва йигитликни мадҳ этади. У 19-аср кўчманчи туркман очиратларининг урф-одатларини, уларнинг учки дунёсини, кадрятларини тилга олади. Ошиқ йигитлик ўз

уруғига эга чиқиш бир бирларига ёрдам бериш каби қадрятларнинг ёқолиб кетаётган бир даврда бу қадрятларни ҳимоя қилувчи ва уларни сақлаб қолишга интилувчи бир бахши сифатида танилади. Агар ошиқ Корўғли ўз шахси қаҳрамонлиги ва йигитлик ҳақида куйлаган бўлса ўз жамоаси (оширати) номидан куйлаган бахшидир.

2. Юрт севгиси ижтимоий масалалар ҳақида шеърлар.

Дадалўғлининг юрти кўчманчи сифатида кезиб юрган тупроқларидир. У ўз бошидан кечирганларини, ҳаётидаги воқеаларини, саёхатларини, самимий туйғуларини мадҳ этади. Ҳалапдан Чукуровагача Торослардан Яйлагача бўлган ҳудудлар унинг юртидир.

3. Севги ҳақидаги ишқий шеърлари

Дадалўғли бу мавзуда куйлаган гўзаллар тушда кўрган гўзаллар эмас. Халқ орасидаги гўзаллардир. Дадалўғлига шаҳар маданияти ва девон адабиёти ҳам катта тасир кўрсатган. Дадалўғли Қоражаўғлоннинг лирикаси, Кўрўғлининг йигитлик ва мардлик ҳақидаги шеърларини ўз асарларида сингдира олган. Дадалўғлидаги ишқ ҳақиқий ишқдир. Яйлов йўлларида, ўтлоқларда, булоқларда учратган гўзалларига ҳамшаҳри Қоражаўғлондек ошиқ бўлади. У тушларида кўрган гўзалларга эмас, ўз кўзлари билан кўрган ва учратган гўзалларга ошиқ шоирдир. У ўз шеърларида халқ мақоллардан, иборалардан, Чукурова ва Торосларда машҳур бўлган халқ достонларидан ҳам моҳирона фойдалана олган.

ОШИҚ ДАДАЛЎҒЛИ ИЖОДИДАН НАМУНАЛАР

Ўимден гери

Gene geldi yaz ayları
Göçeceğim ōimden geri
Yaz yağmuru sulu olur
Coşar çağlar ōimden geri

Ağaçlar geydi donunu
Kuşlar artırdı ününü
Garip olan vatanını
Anar ağlar ōimden geri

Ağaçlar pürçünü açtı
Kuşlar kılavuzun seçti
Yolumuz gürbete düştü
Garip düştüm ōimden geri

Dadaloğlu der ki bana
Derdim artar ondan yana
Öter bğlbül yana yana
Gözüm çağlar ōimden geri

* * * * *

Бундан нари

Яна келди ёз ойлари,
Кўчарман бундан нари,
Ёз ёмғири сувли бўлур,
Жўшиб оқар бундан нари .

Ёғочлар кийди тўнини,
Қушлар орттирди унини.
Ғариб бўлган ватанини,
Эслар, йиғлар бундан нари.

Дарахт куртагин очди,
Қушлар рахбарин сечди.
Йўллар гурбатга тушдиди
Ғариб тушдим бундан нари.

Дадалўгли дер-ки манга,
Дардим ортар кундан кунга.
Сайрар булбул куюб шунга
Кўзим ёшлар, бундан нари.

* * * * *

Ellere

Oturmuş ağ gelin taşın üstüne
Taramış zülfünü kaşın üstüne
Bir selamın geldi başım üstüne
Alırım kız seni komam ellere

Bir taş attım karlı dağlar ardına
Yuvarlandı düştü yarın yurduna
Ben yeni de düstüm sevda derdine
Alırım ahdımı komam ellere

Atımın kuyruğu cura saz gibi
Divana durmuşta ergen kız gibi
Alarmış yanağı bahar yaz gibi
Getirin Kır atım göçem ellere

Dadaloğlum der oldum kastana
Gelir geçer selam verir dost bana
Kocayıpta dayandırdın postuna
Göçeyim mi kahpe Bulgar ellere

* * * * *

Элларга

Ўтирмиш оқ келин тошнинг устига,
Тарамиш зулфини қошнинг устига.
Саломинг келди бошим устига,
Оларман қиз сени, бермам элларга.

Бир тош отдим қорли тоғлар ортига,
Юмаланди, тушди, ёрнинг юртига
Мен яна тушдим, савдо дардига,
Оларман аҳдимни, қўймам элларга.

Отимнинг қуйруғи жура соз каби,
Турарди балоғатга етган қиз каби.
Қизармиш ёноғи, баҳор, ёз каби.
Келтиринг Гир отим, кўчай элларга.

Дадаўглиман дер, бўлдим касдона.
Утган кетган салом берар, дўст манга.
Улғайибон, урантирдинг пўстимга,
Кўчайми, бевафо Булғор элига.

* * * * *

Bizimdir

Kalktı göç eyledi Avşar elleri
Ağır ağır giden eller bizimdir
Arap atları yakın eyler ırağı
Yüce dağdan aşan yollar bizimdir

Belimizde kılıcımız kirmanı
Taşı deler mızrağımın temreni
Hakkımızda devlet etmiş fermanı
Ferman padişahın dağlar bizimdir

Dadaloğlum yarın kavğa kurulur
Öter tüfek davlumbazlar vurulur
Nice koç yiğitler yere serilir
Ölen ölür kalan sağlar bizimdir.

* * * * *

Бизники

Юрди, кўч айлади Авшар эллари,
Оғир-оғир кетган эллар бизники
Араб отлари яқин килар йироқни,
Баланд тоғдан ошган йўллар бизники.

Белимизда қиличимиз безакли, кучли,
Тошни тешар укларимизнинг учи.
Чиқармиш фармонни давлат биз учун,
Фармон подшоҳники, тоғлар бизники.

Дадалўғлим, эрта уриш бошланур,
Милтиқлар сайрайди, ўқлар отилур.
Неча мард йигитлар ерга йиқилур,
Ўлган ўлур, қолган соғлар бизники.

* * * * *

Severim

Şu yalan dünyaya geldim geleli
Severim Kır atı birde güzeli
Değip on beşime kendim bileli
Severim Kır atı birde güzeli

Atın beli kısa boynu uzun
Kuru surtlısı elma gözünü
Kızın iplik iplik süt beyazını
Severim Kır atı birde güzeli

Atın hoyün sağrı kalkn döşlüsü
Kalem kulaklısı çekiç başlısı
Güzeldir dağ boylu samur saçlısı
Severim Kır atı birde güzeli

At koşu tutmasın çıktığı zaman
Yalı kaval gibi yıktığı zaman
At dört kız on beşe yettiği zaman
Severim Kır atı birde güzeli

Dadaloğlum hile yoktur işimde
Yiğit olan yiğit görür düşünde
At dördünde güzel on beş yaşında
Severim Kır atı birde güzeli.

* * * * *

Севарман

Шу ёруг дунёга келдим, келгали,
Севарман Гир отни, ҳамда гўзални,
Кириб ўн бешимга, ўзим билганим –
Севарман Гир отни, ҳамда гўзални.

Отнинг бели қисқа, бўйни узун,
Сулув юзлисини, олма кўзсини.
Қизнинг инжа-нозик, сутдай оқини,
Севарман Гир отни, ҳамда гўзални.

Отнинг майин сарғи, қалқон тушлигин,
Узун кулоқлиси, чўкич бошлисин.
Гўзалнинг сарви бўйли, қундуз сочлисин,
Севарман Гир отни, ҳамда гўзални.

От тенги чиқмас чопгани замон,
Ёллари най каби куйлаган замон.
От тўртга, қиз ўн бешга киргани замон,
Севарман, Гир отни, ҳамда гўзални.

Дадалўғлиман, ҳийла йўқдир ишимда,
Йигит бўлган, йигит кўрар тушинда.
От тўртинда, гўзал ўн беш ёшинда,
Севарман Гир отни, ҳамда гўзални

* * * * *

ОШИҚ ВЕЙСАЛ

Ҳаёти ва ижоди

(1894-1973)



Гулизор хоним ва Ахмет Бейнинг ўғли Ошиқ Вейсал Шотир ўғли 1894 йилда дунёга келиб, то ҳаётининг сўнгги кунларигача ўз она юртини, Ватанини, дўстларини бахтиёр кўриш учун, созини кўлига олиб қишлоқма-қишлоқ, шаҳарма-шаҳар айланиб чиққан. Болалик чоғида бир кун сигир соғаётиб бир тепкининг қаттиқ зарбидан Ошиқ Вейсалнинг кўзи

чиқиб кетган. Акаси Али ва синглиси Элифнинг қизиқиши, отасининг юксак фидокорлиги туфайли, кўзи ожизлигига қарамасдан, атрофига тўпланган бахшилардан халқ санъатининг битмас-туғамас хазиналарини ўрганган.

Икки марта уйланган Ошиқ Вейсалнинг саккизта фарзанди бўлган.

Вейсал болалик йилларини хотирлар экан шундай дейди: “Эски уйимиз бир хонали эди. Биз икки ака-ука, бир сингил эдик. Шакар беш-олти хонадоннинг бирида зўрға бўларди. Чой ёки қаҳвани умуман билмас эдик. Бир қисир қўйни 38 тангага (қуруш) сотишганини биламан. Бир ботмон, яъни 8 кило ёғ 38-40 танга турар эди, килоси 5 танга... Деҳқонлар кунлик 20 пулга ишларди. Бу атрофнинг ҳамма одамлари Мерсинга, Аданага ишлаш учун кетишар, мартда қайтиб келишар эди. Олиб келишгани 5 межедия. Яъни 100 танга...

Тўққиз-ўн ёшимданоқ саз чалишни бошладим. Отам Ўртақишлоқдаги Мустафо Абдал хонақоҳидан синган саз топиб келди. Боланинг кўзи кўрмайди, қишлоқ болалари билан ўйин-пўйин ўйнай олмайди. Ҳеч бўлмаса шу саз билан овунсин. Чалишни ўрганса тўйларга олиб кетишади, одамлар орасида ҳурмати ошади”, деди ўзига ўзи... Бизнинг қишлоғимизда Хусайн бўлар эди. Уни мулла Хусайн дейишарди, саз ҳам чаларди. Менинг созимни таъмирлаб, елимлаб, ичакдан парда такди, тузатди. Эҳ ўша кунлар...”

